
ВИЛОЯТДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ КОРРУПЦИОН ҲОЛАТЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида “Халқ таълими бошқарма ва унинг қуйи тизимларида коррупциявий ҳолатларнинг юзага келиш сабаблари ва унга имкон яратиб берилётган шарт-шароитлар” мавзусида намунавий эшитув ўтказилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори ўринбосари Умида Тухташева иштирок этдилар.

Очиқ мулоқот шаклида бўлиб ўтган йиғилишда вилоятда халқ таълими тизимидаги қонунбузилиш ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

Кун тартибидан ўрин олган масалалар бўйича масъулларнинг ахборотлари эшитилди.

Йиғилишда ҳудудий кенгаш томонидан тизимда коррупцияга сабаб ва шарт-шароитлар яратилиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида вилоятдаги мактабларда ўрганишлар олиб борилгани, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказилиб, сўровномалар ташкил этилгани қайд этилди.

Ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ҳам билдирилди.

Эшитув сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, вилоятда аксилкоррупция сиёсатида оид ислохотларнинг ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-05-26 22:09:56